

5-August, 2026-yil

ГЕРМАНИЯДА ТАЪЛИМ ТУРЛАРИ ВА ДУАЛ ТАЪЛИМ ТИЗИМИ

Бабаев Эсанбай Омонмуратович

Оқолтин тумани 1-сон техникуми директори

Мамуров Маъмур Худойназарович

Оқолтин туман 1-сон техникуми касбий таълим бўйича директор уринбосари

Бабаев Шухрат Омонмуратович

Мирзачул туман 1-сон техникуми ишлаб чиқариш таълим устаси

Аннотация: Мақолада Германиядаги дуал таълим шакли жорий этилган касб ва мутахассислар бўйича тегишли таълим дастурларни такомиллаштириш ҳамда Германия тажрибаси асосида таълим ва ўқитиш босқичлари ҳамда тизимининг бошқа мамлакатлар таълим тизимларидан авзаллик ва устивор жихатлари фарқлари кўрсатиб берилган.

Калит сўзлар:Муассаса, гимназия, комплекс, бош мактаб, мактаб, касб-ҳунар таълими, синф, касбий таълим, ўқувчи, дуал таълим тизими, аттестат-гувоҳнома.

"Касбий таълимнинг дуал тизими сифатида маълум бўлган Германия кўш таълим тизими ноёб бўлиб, бошқа мамлакатлар таълим тизимларидан устувор жихатлари билан фаркланади. Мана бир неча асосий фарқлар: дуал тизим Германия касб-ҳунар таълимининг марказий унсури бўлиб, «дуал» деб номланади, чунки ўқитиш икки жойда – корхонада ва касб-ҳунар билим юртида олиб борилади.

Ўқиш муддати икки йилдан уч ярим йилгача. Палаталар томонидан ўтказиладиган битирув имтиҳони таълимни якунлайди ва ўқувчилар ўқишни муваффақиятли тамомлаганликларини тасдиқловчи сертификат оладилар. Германияда касб-ҳунар таълимининг дуал тизими асосини ташкил этувчи амалиёт ва назариянинг уйғунлиги катта муваффақият қозонган ва халқаро миқёсда эътироф этилган."

Германияда мактаб таълими уч босқичдан иборат: бошланғич мактаб, биринчи босқич ва иккинчи босқич. Олти ёшдан бошлаб болалар бошланғич мактаб (Grundschule)га боришади. Бу ерда ўқиш муддати тўрт йил. Шундан сўнг ўқувчилар ўрта мактабга, бошқача қилиб айтганда, мактаб таълимнинг иккинчи босқичига ўтишади.

Мамалакатда ўрта мактаб таълими тўрт турдаги таълим муассасаларидан олиб борилади. Қобилияти нисбатан суст бўлган ўқувчилар “бош мактаб” (Hauptschule) ларга тақсимланади. Бундай мактабларнинг асосий вазифаси ўқувчини касбий фаолиятга тайёрлашдан иборат. “Бош мактаб” ни тамомлагач (унда ўқиш муддати беш йил), битирувчилар касбий фаолиятини бошлаши ёки ўқишни касбий таълим тизимида давом эттиришлари мукин.

Қобилият даражаси ўртача бўлган ўқувчилар бошланғич мактабдан сўнг “реал мактаб”ларга юборилади. Битирувчилар ишга жойлашиши, ёки гимназиянинг 11-12-синфларида ўқиш имконига эга.

Умумий таълимни гимназия ва бирлаштирилган (комплекс) мактабларда ҳам олиш мумкин. Бироқ ушбу таълим муассасаларига фақат иктидорли ўқувчилар қабул қилинади. Уларда таҳсил олаётган ўқувчилар мактаб таълимининг иккинчи босқичига ўтган ҳисобланади.

Гимназияда таълим 13-синфгача давом этади. Таълимнинг охирги икки йили касбга йўналтирилади. Яъни ўқувчилар умумтаълим фанларидан ташқари, ўз ихтиёрига кўра, бир қанча махсус ўқув предметларини ҳам ўрганишади. Гимназиядаги таълимнинг асосий устунлиги шундаки, битирувчилар олий таълим муассасаларига имтихонсиз қабул қилинади. 12-синфни тамомлаган гимназист (Fachhochschulreife) дипломини қўлга киритади. Бу диплом билан техник йўналишдаги институтга кириб ўқиш мумкин. 13-синф битирувчиларига эса, етуклик аттестати (Hochschulreife) берилади. Ушбу гувоҳнома университетга кириш ҳуқуқини беради.

Бирлаштирилган (комплекс) мактаблар юқорида келтирилган уч турдаги ўрта мактабларнинг бош хусусиятларини ўзида мужассам этган. Бу ерда ўқиш муддати 6 йил – 5-синфдан 10-синфгача. Бундай мактаблар Германиянинг барча федератив ҳудудларида мавжуд. Айрим комплекс мактабларда юқори синфлар (11-13-синфлар) ҳам ташкил этилган бўлиб, уларда таълим гимназия типига олиб борилади. Аммо гимназиядан фарқли уларок, комплекс мактабларнинг юқори синфларига ўқувчилар бошланғич мактаб тавсияномасисиз қабул қилинади. Юқори синфларни муваффақиятли тамомлаган битирувчи етуклик аттестати (Hochschulreife) эга бўлади.

Гимназия ва комплекс мактабларнинг нуфузи анча баланд бўлишига қарамай, уларда германиялик ўқувчиларнинг атиги 10 фоизи таҳсил олади. Чунки ушбу умумтаълим муассасалари кўпроқ гуманитар соҳага йўналтирилган бўлиб, ўқувчиларга бирор касб ўргатилмайди. Гимназия ва комплекс мактаблари битирувчилари олдида фақат бир йўл туради – олий таълим муассасасига кириш.

Германияда ўқувчиларнинг 40 фоизи “реал мактаб” ларда, 25 фоизи эса, “бош мактаб” ларда таълим олиши эътиборга молик жиҳат. Гап шундаки, ҳар иккала турдаги мактабларда ўқувчилар турли касб-ҳунарларни эгаллайди ва шу орқали уларда касбий фаолиятни эрта бошлаш имкони пайдо бўлади. “Реал” ва “Бош мактаблар” ўқувчилари мактабда икки-уч йиллик таълимдан сўнг касб-ҳунар таълими муассасаларига юборилади. Бу ерда яна икки-уч йил давомида сабоқ олишади, касб-ҳунар ўрганишади. Шундай қилиб, Германияда касбий таълим мактаб таълими билан узвий боғлиқ ҳамда умумий таълимнинг ажралмас қисми ҳисобланади. Мамлакатдаги ўрта махсус, касб-ҳунар таълими тизимига касб-ҳунар, ихтисослаштирилган касб-ҳунар ҳамда олий ихтисослаштирилган таълим муассасалари киради.

Федерал қонунчиликка кўра, “касбий таълим” тушунчаси касбий тайёргарлик, касбий таълим (касбий билимни эгаллаш), касбий малакани ошириш ҳамда касбий қайта тайёрлашни ифодалайди.

Германияда касбий таълимнинг дуал таълими устунлик қилади. Бу касбий таълимни амалиёт билан уйғунликда олиб бориш демакдир. Юқорида “Реал” ва “Бош мактаблар” нинг ўқувчилари 10-синфдан бошлаб уч йил касб-хунар таълим муассасаларида ўқишини айтиб ўтдик. Улар 400 яқин касблар ичидан ўзига маъқулини танлаб ўрганиши мумкин. Рўйхатда ҳам техник (автомеханик, ишлаб чиқариш соҳасида кичик технолог, электромонтажчи ва бошқалар) ҳам гуманитар йўналишдаги (суғурта агенти, банк-ходими, секретарь-референт каби) соҳалар мавжуд. Аксарият ҳолларда ўқувчилар хизмат кўрсатиш соҳасидаги касб-хунар таълим муассасалари тайёрлайдиган мутахассисликларга мос равишда ишлаб чиқариш корхоналари, ташкилот ва муассасалар билан ҳамкорлик шартномасини тузади. Бундай ҳамкорлик ҳатто кичкина хусусий фирмалар билан ҳам ўрнатилган.

Касб-хунар таълими муассасасида ўқувчи фақат назарий билимларни эгаллайди, меҳнат ҳуқуқини ўрганади, меҳнат қоидалари билан танишади. Амалиёт эса бевосита корхона ва ташкилотларда олиб борилади. Ўқувчилар ҳафтасига олти-саккиз соатдан ўзларига бириктирилган ишчи ёки ходим раҳбарлиги ва назорати остида касб-хунар сирларини ўрганишади. Бу биздаги “устоз-шогирд” анъанасига бироз яқин.

Касбий таълимнинг дуал тизими нафақат таълим муассасалари, балки корхона (ташкилот) лардан ҳам ўқитишнинг янги методларини яратиш ва жорий этишни тақозо этади. Масалан, йирик компаниялар қошида тайёргарлик марказлари ташкил этилиб, уларда касбий таълимнинг янги методлари синовдан ўтказилади. Одатда, дуал тизими бўйича таълим олаётган ўқувчилар иш берувчилар билан ўзлари мустақил равишда икки томонлама шартнома тузишади. Бунда ўқувчи ўқишни тамомлагандан сўнг ҳам аттестат, ҳам муайян корхона ёки ташкилотда меҳнат амалиётини ўтаганлиги тўғрисидаги гувоҳномага эга бўлади. Аттестат ва гувоҳнома биргаликда унга олий таълим муассасасига кириш ҳуқуқини беради.

Охирги йилларда Германияда енгил ва оғир саноат корхоналарининг бир қисмини мамлакат ҳудудидан ишчи кучи нисбатан арзон бўлган давлатларга кўчириш тенденцияси кузатиляпти. Натижада менежмент, хизмат кўрсатиш ва бизнес соҳасидаги ўрта бўғин мутахассисларига бўлган талаб кескин равишда ортмоқда. Бундай шароитда касбий таълимни дуал тизими жуда қўл келади. Зеро, у меҳнат бозори эҳтиёжини оператив равишда қондириш хусусиятига эга. Чунки дуал тизимда кадрларни керакли миқдорда тайёрлаш ҳамда уларни талаб даражасида билим олишлари учун ҳам маъсулиятни ҳам таълим муассасаси, ҳам иш берувчи бир ҳилда ўз зиммасига олади. Шуниси эътиборлики, дуал таълим тизими асосида тахсил олаётган ўқувчиларга степендиядан ташқари, ойлик иш ҳақи ҳам тўланади.

Германияда касбий таълимни дуал тизимига асосланган таълим

“DUNYO TA'LIMI SIFATINI OSHIRISHNING ILG'OR USULLARI ILMIY JURNALI”

5-Avgust, 2026-yil

муассасаларидан ташқари, касб ёки хунарга ихтисослашаган таълим муассасалари, ўрта махсус таълим муассасалари (Fachschule) ёки ўқув ишлаб чиқариш марказлари (Berufsfachschule), шунингдек махсус техник коллежлар (Berufskolleg) ёки академиялар (Fachaakademie) да ҳам олиш мумкин. Ушбу таълим муассасалари пуллик ҳисобланади. Давлат тасарруфидаги касб-хунар таълими муассасаларида ўқувчилар фақат ўқув материаллари учун пул тўлашса, хусусий таълим муассасаларида ўқиш учун тўлов миқдори анча юқори.

Юқорида номлари зикр этилган касб-хунар таълими муассасаларига ўқишга кириш учун ўзига яраша талаблар қўйилади. Маслан, “Fachschule” га фақат маълум касбий тайёргарликка эга бўлган ўқувчилар қабул қилинса, “Berufskolleg” га ўқишга кирувчилар умумий ўрта маълумотгаэга бўлишлари шарт.

Одатда Германияда ёшлар 17-18 ёшидан бошалаб касбий таълимга жалб этилади. Ҳар ўқувчи ўзига мос касб-хунар таълими муассасасини мустақил танлаш ҳуқуқига эга. Ваҳоланки, аввал таъкидланганидек, мактаб таълими тизимида бундай ихтиёрилиқ мавжуд эмас. Зеро, ўқувчилар ўз хохиши эмас, кўпроқ қобилиятига қараб у ёки бу турдаги ўрта мактаб (“бош мактаб” ёки гимназия) га тақсимланади.

Германияда сиз қайси турдаги касб-хунар таълим тизимини танлашингизга қараб, у ерга ўқишга кириш учун муайян талаблар қўйилади. Масалан, табиий-илмий ёки техник ихтисосликлар бўйича мутахассислар тайёрлайдиган касб-хунар таълими муассасаларига ўқишга кираётганда ўқувчи умвутаълим мактаби (гимназия) да фанлардан олган ўртача баҳоси, танлаган мутахассислигини эгаллаш учун керакли фанлардан олган баҳолари, мактабда қайси турдаги касбий тайёргарликни ўтганини тасдиқловчи ҳужжатлар тақдим этиши шарт. Баъзан ўқувчидан суҳбатдан ўтиш ёки касбий таълимга яроқлилигини аниқловчи тест топшириш (у ёки бу санъат тури бўйича ижодий ишларини тақдим этиш) талаб этилади. Таълим муассасасига кириш тўғрисида аризани янги ўқув йили бошланишидан ярим йил олдин топшириш тавсия этилади. 2024 йилнинг 7 декабр куни Президентимиз ёшларни касб-хунарга ўргатиш ва уларни бандилигини таъминлаш бўйича ўтказилган йиғилишда давлатимиз раҳбари Германия тажрибасини ўрганиш ва шу асосида техникумлар йўналишларини қайта кўриб чиқиш ва уларни дуал таълим тизимига (кадрлар тайёрлашнинг назарий қисми таълим ташкилоти негизида, амалий қисми эса иш жойида олиб бориладиган ўқув турига) ўтказиш вазифасини қўйди.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР:

- 1.Маттиас Клинбергер дуал таълим-таълим йўлидаги сифатли ислоҳат Тошкент - 2024.
- 2.Л.Абдуазимова Германия тажрибаси асосида дуал таълим тури Norma журнали -2023.

“DUNYO TA’LIMI SIFATINI OSHIRISHNING ILG‘OR USULLARI ILMIY JURNALI”

5-August, 2026-yil

3.Р.Маматов, И.Мамажонов Германияда таълим тизими Тошкент - 2021

4.Н.Умарова “бош мактаб”, “реал мактаб” ва дуал таълим тизими Касбий
фанлар методикаси журнали Тошкент - 2012